Энг қадимий, энг навқирон айём — Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 22-MART ■ SHANBA ■ 37-38 (27.058) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги ТАБРИК СЎЗИ



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун ўлкамизда қутлуғ айём.

Баҳор нафаси, янгиланиш, уйғониш руҳи тобора кучайиб, юртимизга кириб келмоқда.

Бугун гўзал водий ва воҳаларимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда ёшу қари — барча юртдошларимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўзи оламга пешвоз чиқмоқда.

Бугун халқимиз ўзининг эркин ва озод ҳаётида Наврўз айёмини ўн иккинчи бор шоду хуррамлик билан байрам қилмоқда. Ушбу байрам тонгида мен мана шу муҳташам саройда жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда:

табаррук оталаримиз ва мунис оналаримизни,

муҳтарама опа-сингилларимиз, ака-укаларимизни,

ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларимизни,

баҳордай очилиб бораётган сулув қизларимизни,

ёруғ оламга ҳайрат кўзи билан боқиб турган жажжи набираларимизни — бутун Ўзбекистон халқини Наврўз шодиёнаси билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бизнинг бугунги қувончимизга шерик бўлаётган хурматли меҳмонларимиз — хорижий давлатларнинг элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларини, байрам томошаларини дунёга намойиш этаётган чет эл ахборот воситаларининг ходимларини халқимиз номидан қутлаб, «Наврўзимизга хуш келибсиз!» деб айтишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Дунёда турли байрам ва айёмлар, тарихий саналар кўп. Уларнинг барчаси маъно-мазмуни ва моҳиятига қараб ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, ер юзида энг қадимий, шу билан бирга, энг навқирон айём бўлган Наврўз нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун Шарқ оламида катта шодиёна билан нишонланадиган гўзал байрамдир.

Бу ёруғ оламда чархи даврон айланар экан, табиатда тўрт фасл такрор ва такрор алмашиб келаверади. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос зийнати, ўз фазилати бор. Аммо уларнинг ичида баҳор, Наврўз фаслининг шукуҳи, файзу тароватн ўзгача.

Бу дилбар фаслда борлиқнинг уйғониши, жамики тирик жоннинг ҳаракатга кириши билан одамнинг юрагида ҳам янги-янги орзу ва интилишлар, шодлик ва қувонч, севги ва ҳаётга муҳаббат ҳислари уйғонади.

Табиатнинг ўзи бамисоли она каби бағрини очиб, ўз фарзандлари бўлмиш инсонларга меҳр улашади, барчани эзгулик ва яхшиликка чорлайди.

Баҳорнинг келиши одам зотига Аллоҳ берган умрнинг кўп-кўп сирларини англаш, ўз бахтини ўз қўли билан қуриш, ҳаёт ва табиатнинг нафосати ва неъматларидан баҳра олиш учун дунёга келганини яна ва яна бир бор эслатади, бу ҳақиқатни беихтиёр хаёлимизга солади.

Шу маънода, ёрдамга муҳтож бўлганларга мурувват кўрсатиш, ҳамдард бўлиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг пешонасини силаш каби олижаноб фазилатларнинг ҳаётимиздаги таъсирини янада кучайтириш, бугун қийинчилик ва етишмовчиликларни бошдан кечираётган ҳеч бир одамни эътиборсиз қолдирмаслик — барча-барчамиз, аввало, катта-кичик раҳбар ва мансабдорлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз айни муддао бўлур эди.

Лўнда қилиб айтганда, юртимизда ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ёлғиз бўлиб қолмаслиги, унинг оғирини енгил қилишда давлатимиз ва жамиятимиз бундан буён ҳам мададкор бўлиши шарт.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Юртимизга Наврўзи олам кириб келишини очиқ қалбимиз, пок орзу-умидлар билан қутлар эканмиз, биз бугунги нотинч дунёда буюк мақсадларимиз сари олиб борадиган йўлимизда кўп-кўп мураккаб муаммолар, синов ва қийинчиликлар дуч келиши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Айниқса, бугун узоқ ва яқин атрофимизда содир бўлаётган хавфли воқеаларни сезгирлик ва ҳушёрлик билан кузатишимиз, халқаро терроризм ва унинг ҳар қандай кўринишларига, оммавий қирғин қуролларини ишлатишга тайёр бўлган қабиҳ ниятларга қарши сергаклик билан муносабатда бўлишимиз зарур.

Жаҳондаги ҳозирги вазият барчамиздан огоҳ бўлишни, кечаги Афғонистон можаросини ечишда ким қандай сиёсат олиб боргани, кимларнинг, қандай буюк давлатларнинг ҳаракатлари ҳақиқатда юртимизнинг хавфсизлигини таъминлашга, жанубий сарҳадларимиз остонасидан ёвуз кучларни олиб ташлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшгани ҳақида тўғри хулоса чиқаришни бугун ҳар биримиздан ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай ҳолатларда ташқи ва ички сиёсатимизни тўғри ва оқилона олиб бориш нафақат бугунги манфаатларимизни, балки Ўзбекистонимизнинг эртанги кунини, узоқ эзгу мақсадларимизни кўзлаб йўл танлашимизни талаб қилади. Ва бу борада, аввало, ўзимизнинг куч ва салоҳиятимизга, қўшни давлат ва халқларнинг бирдамлигига, стратегик шерикларимиз билан бирга, уларнинг қудрати ва кўмагига суянган ҳолда келажагимизни кўрмоғимиз даркор.

Ҳурматли юртдошлар!

Буюк шоиримиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Наврўз фаслида деҳқон ер ҳайдаб, уруғ сочади ва шу тариқа эл-юрт учун ризқ-насиба йўлини очади.

Азиз дўстлар, биродарлар, келинг, бугун — янги мавсум арафасида эл-юртимизни боқадиган деҳқонларимизга, барча меҳнатчиларимизга дилимиздаги самимий тилакларимизни изҳор этайлик: ҳамиша бахт ва омадингизни берсин, ҳосилингиз мўл бўлиб, хирмонингиз тўлсин, кўнгилларингиз тўқ бўлсин.

Ҳар бирингизнинг касб-корингизга, рўзғорингизга, умрингизга барака ато этсин.

Мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган янги йилимиз юртимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Хонадонларимиздан қут-барака аримасин.

Қарияларимизнинг умрлари узоқ, эзгу дуолари ижобат бўлсин.

Фарзандларимизнинг камолини, иқболини берсин.

Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

Наврўз — уйғониш ва янгиланиш рамзи

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда энг улуғ ва энг азиз айёмлар, жумладан, Наврўз шодиёналарининг азим пойтахтимизнинг сўлим масканларидаги улкан театрлаштирилган томошалар билан бошланиши хайрли анъанага айланган.

Наврўз шодиёналари муносабати билан Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуининг барча катта-кичик иншоотлари, саҳни, боғ-боғчасию йўл-йўлаклари байрамона безатилган. Мажмуанинг улкан зали маданият ва санъат аҳли билан гавжум. Ҳофизлар, раққосалар, дорбозлар, полвонлар, цирк артистлари, ҳунарманду усталар, чеварлар ўз маҳоратини намойиш этишга шай.

Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини байрам аҳли қарсаклар билан кутиб олади.

Байрам тантаналаридан дарак берувчи чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз халқини, меҳмонларни умрбоқий, файзли ва шукуҳли айём — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Саҳна узра Наврўздан дарак бериб майин наво таралади. Сарин куй оғушида кўз ўнгимизда кўкламнинг ажиб манзаралари намоён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади. Фасли баҳор ғамзалари, қушлар чуғур-чуғури, сувлар жилдираши билан табиатнинг уйғониш палласини мадҳ этувчи жонбахш мусиқий оҳанглар уйғунлашиб кетади.

Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди...

Наврўз — бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ўтган йили мамлакатимизда 56 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилган бўлса, улардан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир. Бир-биридан ҳашаматли коллежу лицейлар, тураржойлар, спорт иншоотлари, улкан кўприклар, равон йўллар қурилди, боғу роғлар, хиёбонлар барпо этилди.

Шундай бунёдкорлик салоҳияти дарёдек жўш урган халққа, албатта, байрам ярашади! Ватанимиз барча жабҳаларда эришаётган оламшумул зафарларни эса қанча тараннум этсак арзийди!..

Саҳнага миллатимиз давомчилари, келажагимиз эгалари — болакайлар кириб келади. Кичкинтойлар ўзларининг шўх-хандон қўшиқ-рақслари билан болалик оламининг гўзал ва бахтиёр онларини мадҳ этади.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур. Давлатимиз раҳбарининг ана шу ғоясини ҳаётга татбиқ этиш йўлида ўтган даврда соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча саъй-ҳаракатларимиз соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.

Жисми жонимизни орзиқтириб таралаётган ҳаётбахш мумтоз наволар мўътабар зотлар — миннатдор аждодларимизнинг миллат иқболи, авлодлар шижоати, ижоди ва бунёдкорлиги шарафига ёғдираётган олқишларига, байрам муборакбодига менгзайди гўё.

Қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун жаҳон аҳли катта эҳтиром билан тилга оладиган пири комил мутафаккирларимиз меросидан халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, бобокалонларимизнинг асарларига сингдирилган юксак инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига кенг шароит яратилмоқда. Бу йил ҳам юртимизда бир қатор буюк аждодларимиз таваллуд кунларини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрилаётгани бу борадаги хайрли ва савобли ишлар изчил давом этаётганидан яққол далолатдир.

Наврўз — биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир. Ана шундай ёруғ кунлар кишини ўз яқинлари, маҳалла-кўй, қўни-қўшни, элу юрт билан баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга даъват этиши билан ҳам беҳад қадрлидир.

Обод маҳалла йили муносабати билан бу янгиғ юксак фазилатларни мукаммал эгаллаш баробарида, кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож кишиларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана шундай шукуҳли дамларда ҳар бир инсон табиатдан баҳра олишга интилади. Ўз навбатида, Наврўз кунларида юртни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришга бел боғлаш каби барҳаёт қадриятлар халқимиз томонидан асрлар оша эъзозлаб келинаётир.

Биргина мисол. Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишига мувофиқ 15 март куни юртимиз бўйлаб ўтказилган хайрия ҳашарида 10 миллиондан ортиқ ҳамюртимиз иштирок этди. Шу куни 321 минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Минглаб туп манзарали, мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Ариқ, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди.

Байрам бадиий дастурларида халқимизнинг бундай эзгу анъаналари, ватандошларимизга хос ва мос гўзал фазилатлар, маҳаллалардаги ободончилик ва тинчлик-тотувлик, миллий урф-одатлар ва қадриятлар юксак пардаларда тараннум этилди.

Улкан мониторда Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилган кенг кўламли яратувчилик ишлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод манзаралари ёрқин лавҳаларда намоён бўлади.

(Давоми 2-бетда.)



● ТАЪЗИМ

Ерда ҳаётнинг илдизи бор!

Одамзотнинг ризқи ерга сочилган. Яратганнинг қудрати билан заминда рўй берадиган мўъжизаларга боқиб, табиат олдида инсоннинг нақадар ожизлигини ҳис қиламиз. Бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмаслигига тан берамиз — бугунгача яратган кашфиётларимиз, шунчаки кўзимизга ташланиб турган гиёҳлар, куртак отаётган, гулга кирган дов-дарахтлар олдида, она-тупроқнинг гўзал ижоди олдида ҳеч нарса эмаслигини англаймиз.

Ерга бир дона уруғ тушади. Вақти-соати етиб у саноқсиз донларга айланади. Замин уни ризқ қилиб инсонга тутади. Ўйлаб кўрганмисиз, шу бир дона уруғни ким кашф қилган? Қайси замонларга бориб тақалади? Буғдой ҳеч қачон одамзотнинг кафтида ўсганмикин? Замин, она-табиат билан боғлиқ очиқ қолган шундай саволларга тахминий, нисбий қолипда жавоб беришга ҳарчанд уринмайлик, алалоқибат битта ҳақиқатни ич-ичимиздан тан олаверамиз: табиат буюк куч-қудратга эга.

Ҳаёт пайдо бўлгандан кейин ер юзида буғдой униб чиқмаган ёхуд замин кўкариб, кўкламаган. Аксинча, буғдой бўй кўрсатиб, ер яшил отиб, тириклик нафаси сезилгандан сўнггина Ер юзида ҳаёт мавжуд бўлган. Демак, айни шу куни бўй чўзган майсалар, илдизи нишлаган ўт-ўланлар, уйғонган боғлар — ҳаммаси бизга туз-насиба. Табиат кўз ўнгимизда ризқу-рўз тортиқ қилаяпти.

(Давоми 2-бетда.)

НАВРЎЗ

Яшадим қиш фаслин узун тунида,
Кўрдим ёруғликни тун якунида.
Жоним, Сен ҳам энди тараҳҳум айла,
Сен ҳам табассум қил Наврўз кунида.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил, 19март

BUSINESS BANK
Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

Наврўз — уйғониш ва янгиланиш рамзи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бутун юртимизнинг мафтункор, гўзал табиати, лолазору гулзорлари жамолидан кўзлар қувонади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган бадиий жамоалар бирин-кетин ўз санъатларини, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос халқ ўйинларини, қўшиқ ва рақсларини намойиш этадилар.

Бахшилар айтишувлари, аскиячилар пайрови, дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар,



полвонлар санъати ва спорт мусобақалари уйғунлашган улкан театр томошаларида миллий қадриятларимиз, қадимий удумларимиз янада жозибалироқ, янада теранроқ мазмун ва моҳият касб этади. Азалий анъана ва урф-одатларимиз Наврўз билан нечоғли чамбарчас эканлиги бадиий лавҳаларда яна бир бор кўз-кўз этилади.

Кўклам наволари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар миллий маданият марказларининг байрам дастурларида янада теранроқ мазмун-моҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнасидир...

Наврўз — юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги тимсоли. Шу маънода, ушбу айём дунёнинг ўнлаб давлатларидаги Ўзбекистон элчихоналари, ваколатхоналарида ҳам кенг нишонланмоқда. Байрамга ташриф буюрган юзлаб хорижлик меҳмонлар Наврўз таомларидан баҳраманд бўлиб, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишаётир.

Байрам томошаларидан кейин Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.

— Халқимизнинг энг ноёб қадриятлари, эзгу урф-одатлари каби топталган, қатағонга учраган Наврўзни ҳам бугун Мустақиллик куни каби ўн иккинчи бор нишонлаб турибмиз, — деди Юртбошимиз. — Бу байрамнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, Наврўзда жамики тирик жон уйғонади, янги ҳаёт сари интилади. Ишонаманки, мустақиллик ҳаётимиздан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётгани каби Наврўз ҳам йилдан-йилга ўзининг янги-янги қирраларини намоён эта боради.

Ислом Каримов ёшларнинг эскилик сарқитларига барҳам берадиган, янгича дунёқарашга эга, фаол ва фидойи ёшлар ҳаётга тезроқ кириб келмоғи лозим.

Албатта, масъулиятли жойларда фаолият кўрсатар экан, дастлабки даврда ёш мутахассисларнинг тажрибасизликдан муайян қийинчиликларга дуч келиши табиий. Аммо фарзандларимиз ҳозирданоқ ишда, амалда тажриба орттириб бормаса, кейин қачон, қаердан ўрганади? Шундай экан, давлат ва жамият қурилиши борасида тутган ўрни ҳақида сўзлар экан, «ёшлар — бизнинг келажагимиз» деган даъватнинг замирида жуда теран маъно-мазмун мужассам эканини таъкидлади.

— Кўп ҳолларда бизга янгича ўйлашга, мустақил фикрлашга, масъулиятни зиммага олишга, янги ҳаёт учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишга халақит бераётган нарса — бу, эски замон асоратларидир, — деди давлатимиз раҳбари. — Ана шу янги авлод ҳаётда тезроқ ўз ўрнини эгаллаши, масъулиятни дадил ўз зиммасига олмоғи керак.

Тошкетдаги Наврўз шодиёналари сунъий йўлдош воситасида дунёнинг кўплаб мамлакатлари телеканаллари орқали намойиш этилди.

Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари юртимиз шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

Гулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ,
Муҳаммад Амин (ЎзА),
Шавкат АКРАМОВ,
олган суратлар

Баҳор, байрам — бола
Боғу бўстон — бола.
Беғубор, бийрон — бола,
Баҳодир, ботир — бола.
Беҳишт булоғи — бола
Бойчечак барги — бола.
Бешик, борлиғим — бола
Булбул, бинафша — бола...

● ТУЙҒУ

Боламнинг кўксида Ватан яшайди

Майса жисмида тирик туғёнлар. Ўрик гулларида беғубордир бол. Яланғоч қояда лолалар порлар. Заминга сочилган, қизғалдоқ аёл. Юрак талпинади, учади хаёл. Ўрик оппоқ гулга бурканган. Осмон ойдин. Покдир тилаклар. Наврўз тонги нақадар сокин. Кўк билан юзлашар бугун юраклар.

Наврўз кириб келди Ўзбекистонга. Кўклам кўк кўйлагин кийган эгнига. Наврўз қадим юртда — қадим яллалар. Наврўз қувончларим бу оқшом гуллар. Болалигим ортда қолади. Онам айтган қўшиқлар қолар. Сумалакка ташланган тошдек, кўзимдаги ярқ этган ёшдек болалигим узоқлашади. Наврўз кириб келган кўнглимда чақинлар чақнайди. Муғаннийнинг овози янграр. Мунис лаҳзалар бошланади. Хотирот кемаси ташлайди лангар. Наврўз қадим оҳангларда қўшиқ жаранглар.

Қўлида ниҳоллар бола югурар. Бобо ер чопади. Ота қадайди кўчатни, бола сув қуяди, тортади тупроқ. Дарахтга айланар ниҳол орзулар. Бобо юзларида шодлик тошади. Ота уфқларга тикилади жим. Бола югуради шамолларга тенг. Тириклик боғлари гулга киради. Орзулар, умидлар, имконлар қийғос очилади.

Тонгда уйғонади бу юртда тинчлик. Тандир юзларида олов ловуллар. Нон ҳиди тутар оламни. Ризқ-рўзи уйғотар боламни. Деҳқон даласига йўл олар. Дон сочар. Она-Ер бағрини очар. Ариқ қўшиқ айтар. Қуёш нурларига беланар замин. Боламнинг кўксида бир Ватан яшар. Кўзида озодлик. Сўзида тинчлик.

Фаррух ҲАМРОЕВ

● ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СУҲБАТ

Ўзбекистоннинг баҳори бошқача

«Умид» жамғармаси гранти асосида АҚШнинг Гарвард университети (магистранти)да таҳсил олаётган Анвар АБДУЛЛАЕВ билан суҳбат

— Ўзбекистонда Наврўз байрами катта шодиёналар билан нишонланаяпти. Сиз Ватандан анча олисдасиз. Байрамни қандай кутиб оляпсиз?

— Тўғрисини айтсам, ҳозир кўнглимизда Наврўз, аммо имтиҳонлар пайти. Худо хоҳласа, бир ҳафтада уларни аълога топшириб тугатамиз. Бу ерда ўқиш жуда жиддий иш. Имтиҳонларга қаттиқ тайёргарликларсиз қатнашиб бўлмайди. Айниқса, Ўзбекистондан келиб таҳсил олаётганлигимиз учун бизнинг масъулиятимиз ҳамманикидан ҳам кўпроқ. Бу ерда менинг, умуман Ўзбекистондан келган ёшларнинг шаънига айтилаётган гаплар юртимиз шаънига айтилгандек туюлаверади.

Имтиҳонларимиз тугагач, Наврўзни ҳам ажойиб тарзда Америка диёрида ўзбекча таомлар, ўзбекона анъаналар билан нишонламоқчимиз. Унга бошқа давлатлардан келган дўстларимизни ҳам таклиф этиш ниятимиз бор.

— Ўзга юртда миллий байрамни нишонлашнинг ўзига хос гашти бўлса керак?

— Сиз шундай деб, ўйласангиз ҳам, лекин Юрт бу — ЮРТ. Унинг баҳорини, қийғос гуллаган ўрикларини соғиндим. Унинг бағрида эркин қушсан... Эҳ, нимасини айтасиз.

Айниқса, Наврўз айёми арафасида Ватанимиз қандай ажойиб тусга киради-а. Ҳозир юртимизда табиат ўзининг бутун чиройини оламга кўз-кўз қилаётган пайт. Ўзбекистоннинг баҳори бошқачада барибир. Она шаҳрим — Тошкент шундоқ кўз ўнгимда. Одамлар шод-ҳуррам, болаларнинг қувончи ичига сиғмайди, қизлар чиройли кийиниб, баҳорга, Наврўзга ҳамоҳанг юрганлари, ҳамма — таниган-танимаган бир-бирини қутлуғ айём билан муборакбод этишлари шундоқ тасаввуримда.

Мен ҳозир Америка диёрида ўзбекнинг кимлигини кўрсатмасдан кетолмайман. Худо хоҳласа, июнь ойида Гарвард университетининг давлат бошқаруви ихтисослиги бўйича магистрлик дипломини оламан. Шундан сўнг Ватанимга қайтаман.

— Айни дамда кўнглингизда юртдошларингизга, ота-онангизга айтадиган қандай гапларингиз бор?

— Аввало, бутун Ўзбекистон халқини баҳор, яшариш, янгиланиш байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этаман. Юртимиз жаҳон саҳнида ўзининг бўй-бастини кўрсатаверсин. Ватанимга кўз тегмасин.

Ота-онамга айтадиганларим: мен соғ-омонман. Хотиржам бўлинглар. Ўқиш-ишларим кўнгилдагидек.

Сизларни соғиндим.

Йўқлаганларингиз учун сизларга катта раҳмат! «Ўзбекистон овози» газетасининг ижодий жамоаси ва кўп сонли ўқувчиларини ҳам самимий муборакбод этаман. Ҳамиша омад, бахт, хуш кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди

● ЭЗГУ ТИЛАКЛАР

Янги кун, янги орзулар

Юртимиз бўйлаб Наврўз шодиёналари кезмоқда. Пойтахтимизнинг кўча ва сайилгоҳларида бўлиб, юртдошларимизнинг дил сўзлари билан қизиқдик.

Дилдора МУҲАММАДЖОНОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 38-мактабнинг ўқитувчиси:

— Аслида ўйлаб кўрилса, Наврўз байрамининг теран томирлари Шарқ халқларининг бир неча минг йиллик тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Қуёш йили ҳисобидаги Фарвардин ойи тўғрисида тўхталиб, «Бу ойнинг биринчи куни наврўздир» дея изоҳ беради. Наврўз ўзбек халқининг миллий байрами. Ҳеч бир байрам йўқки, унингдек халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини мужассамлаштирган бўлса. Бу байрам инсон руҳиятига кўтаринкилик бағишлайди. Ахир, Наврўз яшариш фасли деб бежиз айтилмаган.

Акрам МИРЗАЕВ, шифокор:

— Ушбу байрам ҳар йили янги қувончлар олиб келади. Мана, 2003 йил ҳукуматимиз томонидан Обод маҳалла йили дея номланди. Бу йил маҳаллаларимизга ҳар қачонгидан-да муҳимроқ аҳамият берилмоқда. Айниқса, байрам муносабати билан маҳаллаларда ўтказилаётган сумалак сайилларини айтмайсизми? Демак, Наврўз одамларни бир-бирларига янада меҳроқибатли бўлишга ундайди.

Суннатулла ҚОСИМОВ, сирдарёлик тадбиркор:

— Наврўз шодиёналарини кўргани ҳар йили Тошкентга келаман. Сабаби, пойтахтимиздаги тантаналар ўзгача. Бу йил ҳам фарзандларимни олиб келдим. Айниқса, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри олдида ташкил этилган мактаб ўқувчиларининг миллий ҳунармандчилик кўргазмаси бизга жуда ёқди. Бу ерда фарзандларимиз қўли билан яратилган санъат намуналари ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Фазлиддин РУСТАМОВ, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманидан:

—Наврўз — янги кун, янги йилнинг бошланиши. Қадимдан Наврўзнинг бошланишига қараб йилнинг қандай келиши башорат қилинган. Бу йил баҳор яхши келди. Бугун ҳамма хурсанд. Худо хоҳласа, йил охиригача шундай бўлади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.

Халқ қувноқ, баҳорий кайфиятда

Ўзбекистонда ўтказиладиган Наврўз байрамига икки йилдан буён гувоҳ бўлаяпман. Бу шодиёна хитойликларнинг анъанавий баҳор байрамига ўхшаб кетар экан. Менга, айниқса, ўзбекларда миллий таом ҳисобланган сумалак жуда ёқади. Бу мўъжиза неъмат тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам инсон организми учун жуда фойдали.

Наврўзда бутун халқ қувноқ, баҳорий кайфиятга чўмар экан.

Байрамона безатилган пойтахт юракни тўлқинлантириб юборади. Мен ўзим фаолият кўрсатаётган Тошкент давлат шарқшунослик институтидаги ҳамкасбларим шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлар тарихи факультети хитой тили бўлими талабалари билан Наврўз байрамини катта қувонч билан кутиб олдим. Наврўз, баҳор Ўзбекистонга тўкинлик, тинчлик, гўзаллик олиб келсин. Ўз миллий қадриятларини, ўтмишини ардоқлаган халқнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Наврўз байрамингиз, муборак бўлсин.

Тао ЮНГ,
ХХР Нанкин шаҳри Доингнан университети профессори.

ЎЗБЕКнинг ўзлиги

Илгари ҳам бу юртда байрамлар кўпдек эди-ю, лекин ўзбекнинг ўзлигини кўрсатувчи байрам йўқ эди. Бу эса кишига жуда алам қиларди, кимлардир атайлаб миллий ғурурингни топтаётганини ичидан ҳис этиб, юрагинг эзиларди.

Наврўз қанчалар қатағон этилган бўлмасин, болалик чоғларимизда маҳаллалардаги сумалак базмлари, далалардаги уруғ қадаш маросимлари, болаларнинг даштни тўлдириб варрак учиришлари, ўша кунларда бозорлар оҳорлироқ кийинган кишилар билан янада гавжум бўлиши каби ҳоллар норасмий бир байрамчани юзага келтирарди. Кейинчалик булар ҳам аста-секин йўқола борди. Охири «Наврўз» сўзи оддий одамлар орасида деярли унут бўлиб, баъзи «эринмаган кампирлар»нинг ҳеч қандай ўйин-кулгиларсиз сумалак солиб ўтиришларигина удумча сифатида сақланиб қолди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида энди фақат айрим публицистик мақолалару, бадиий адабиётдагина гоҳ-гоҳ тилга олиниб қолинадиган Наврўз қайтадан жиддий таъқибга учради. Буни аслида «хурофий байрам»га қаршилик эмас, бор-йўғи сумалакчи кимпирларга нисбатан дўқли тазйиқ деб аташ тўғрироқ бўларди.

Ўша пайтларда Ёзувчилар уюшмасида халқимизнинг қадимий анъаналарини ифода қилувчи янги байрам ташкил этилиши кўзланаётгани юзасидан бир йиғилишча бўлгани эсимда. Таклиф этилганлар ичида мен энг ёши эдим. Бу баҳор байрами нима деб аталиши, унинг ташкилотчилари кимлар эканлигидан қатъи назар, ниҳоят ўзбекнинг ўта ўзига хос анъаналари борлигини, у ҳам жуда қадимий миллат эканлигини бошқаларга кўз-кўз қилувчи расмий байрам туғилиши мумкинлиги мен нодонни беҳад тўлқинлантириб юборди. Туни билан ухламай, эртасигаёқ таклифларимни ёзиб бордим. Унда бу байрамни ҳатто эски чекка қишлоқларда ҳам халқ фольклорининг кенг кўламдаги намойишига айлантириш, далаларда хўкиз шохини мойлаб уруғ сочиш анъанасини қайта тиклаш, болалар ўртасида варракчилар беллашувини ўтказиш, ҳар бир болага кичкинтойлар учун чиқарилган китобларни бепул тарқатиш сингари истаклар битилган эди. Хомтама бўлган эканман, буларнинг деярли ҳаммаси қоғозда қолиб кетди.

Орадан йиллар ўтди. Кунлардан бир куни газетани қўлга олиб, кўзларимга ишонмадим. Унда Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш куни деб эълон қилинганди. Ушбу Фармонга имзо чеккан муҳтарам инсон Миллий Мустақилликка дастлабки бонгни урган бўлса ажабмас.

Ҳа, бугунимизнинг тантаналари орасида Мустақиллик байрами энг муқаддаси бўлса, Наврўз энг миллийсидир. Бу байрамнинг қиммати алоҳида, аҳамияти беқиёс. Шундай кунларни ўз кўзимиз билан кўриб турганимиз учун Яратганга минг қатла қуллуқ.

Янги кунингиз муборак бўлсин, азиз ва суюкли юртдошларим!

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Пойтахт:

АЙЁМДАН АЙЁМГАЧА

2002 йил

22 март. Тошкентда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу муҳташам санъат кошонасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида бунёд этилган «Шайхонтоҳур текстиль» қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Май ойида Тошкентнинг қоқ марказида «уч юлдуз»ли янги «Пойтахт» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

27 август. Жанубий вокзал рўпарасида бунёд этилган улкан кўприк, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида қуриб битказилган Қатағон қурбонлари хотираси музейи, ҳарбийларимиз учун жаҳон андозаларига мос яратилган «Қалқон» бригадасининг замонавий ҳарбий шаҳарчаси очилди.

10-14 сентябрь. Тошкентдаги «Ўзбекистон» теннис мажмуида Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро теннис турнири ўтказилди.

3 октябрь. Пойтахтимизнинг марказий ҳаво дарвозаси бўлмиш «Тошкент» халқаро аэропорти янги қиёфада тўлиқ таъмирланди. Президент аэропортни кўздан кечирди.

20 декабрь. Тошкентда украин халқининг атоқли шоири Тарас Шевченкога юксак эҳтиром рамзи сифатида ҳайкал бунёд этилди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма иштирок этдилар.

2003 йил

1 февраль. Тошкентнинг собиқ «Отчопар» буюм бозори жаҳон андозаларига мос таъмирдан чиқарилиб, «Чилонзор буюм бозори» номи билан иш бошлади.

2-4 март. Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири ўтказилди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади

● ТАЪЗИМ

Ерда ҳаётнинг илдизи бор!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Табиатда ҳеч бир нарса — майсадан тортиб улуғвор дарахтлар, заррачалардан то чўққилари осмонга қадалган тоғларгача беҳудага пайдо бўлмаган. Кўкнинг булутлари бу муаззам қояларга қорлар, муз-ёмғирларни инъом этади, кун келиб улар дарёларга айланиб, боғу роғларга ҳаёт нафасини олиб киради. Ёхуд фалак ёмғирлари ернинг бағрига жон бағишлайди.

Табиатнинг энг буюк қонуни — одамларнинг яшаши, униб-ўсиши учун қаратилгани учун ҳам мукаммал ва мазмунлидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Наврўз ризқ байрами сифатида, айнан шу куни ерга уруғ ташлаш мавриди етилганига табиат томонидан ишора қилингани боис ҳам қадрлидир.

Наврўзда кун билан тун тенг келади. Табиатнинг шу вақтида бир туну кун мувозанатга киришиши кузатилади. Шундан сўнг ер деҳқон қўлидан сочилажак уруққа бағир очади. Эҳ-ҳе, бу неча-неча замонлардан бери давом этиб келади.

Бугун ўзбек деҳқони уйим буғдойга, дастурхоним нонга тўлсин деб ният қилади. Фарзандларимизнинг тўй-томошаларини кўрайлик, қиз узатиб, келинлар олайлик, деб дуога қўл очади. Бунинг бари — онаеримизнинг мурувватига боғлиқ. Буғдойзорларимизнинг шовуллаб бўй чўзишига боғлиқ. Боғларимизда меваларнинг ғарқ пишиши туфайли юз беради бу...

Чунки, бизнинг ҳам илдизимиз ерда. Бизни ҳам бу ҳаётда ер тутиб турибди. Биз ундан куч оламиз, жон оламиз, худди майсалар каби ўсамиз.

Наврўз — тириклик. Наврўз — момо ер, улуғ осмонга эҳтиром кўрсатиш айёми.

Бугун Она Ўзбекистоннинг олис вилоятлари, узоқ-узоқ қишлоқларида янграган куй-қўшиқлар, еру кўк орасида янграган шукроналик навосида жамулжам бу...

Наврўзни юртимиз аҳли тинч, осойишта осмон остида хотиржам қаршилаяпти. Шу хотиржамлик замирида эса қанчалар бахт-саодат мавжудлигини ҳис қилмоқ керак.

Отамиз ерга кўчат экаяпти. Онамиз тандирга ўт қалаяпти. Момомиз келичакда буғдой эзиб, сумалак тайёрлаяпти. Синглимиз исмалоқ, қоқи ўт, ялпизлар тераяпти. Укамиз далаларга сурув-сурув қўй ҳайдаш тараддудида. Яна айтсак, борлиқ кўк отган, борлиқ ризқ таратган палла... Шундай гўзал манзара жо бўлган Ўзбекистоннинг бугунги жамолига боқиб, кўнгилдан олов сўзлар тўкилади:

Тандирларимизнинг чўғи ўчмасин, омборларимизда дон мўл бўлсин, дунё билан жаҳоннинг мўъжизаси бўлиб бўйлашавер юртим.

Сен Наврўздай қадимийсан... Сен Наврўздай навқиронсан, Ўзбекистон...

Она-замин, Сенинг бағрингда ҳам бир юрт озод ва шаъ бўй чўзиб, гуллаб-яшнаяпти. Бу менинг юртим, бу менинг халқим.

Она-замин, юртимга, халқимга тутган ризқинг учун минг бора қуллуқ.

Момо ер, Она Ўзбекистон сенга таъзим қилиб Наврўзга хуш-хушвақт пешвоз чиқаяпти.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

BUSINESS BANK

НАВРЎЗ

айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Мамлакатимиз равнақи йўлида сизларга муваффақият ва юксалиш ҳамроҳ бўлсин! «БИЗНЕС БАНК» сизларга энг яхши анъаналарда хизмат кўрсатишга доимо камарбаста.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 113-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
2
72
24
82
23
34
57
87
13
Сони: 4
Сумма: 1250000
Чипталар рақами
60018730.3
60035903.1
70074285.2
90012494.3

2 Тур
37
31
56
22
88
12
18
43
45
71
4
59
Сони: 2
Сумма: 2500000
Чипталар рақами
20041877.1
50003551.3

3 Тур
33
8
48
46
27
25
83
20
40
41
80
77
32
74
36
26
49
51
81
11
62
53
Сони: 2
Сумма: 2500000
Чипталар рақами
30054639.2
60025338.1

4 Тур
10
42
86
44
21
52
79
29
76
54
19
90
67
47
70
28
17
69
Сони: 1
«NEXIA» автомобили
Чипта рақами
30078695.3

5 Тур
65
3
Сони: 1
«NEXIA» автомобили
Чипта рақами
40076900.1

6 Тур
63
50
Сони: 1
Сумма: 5000

7 Тур
7
Сони: 2
Сумма: 4000

8 Тур
58
Сони: 2
Сумма: 3000

9 Тур
89
Сони: 3
Сумма: 2500

10 Тур
16
Сони: 5
Сумма: 2000

11 Тур
60
Сони: 6
Сумма: 1500

12 Тур
68
Сони: 12
Сумма: 1200

13 Тур
14
Сони: 5
Сумма: 1000

14 Тур
85
Сони: 6
Сумма: 900

15 Тур
5
Сони: 20
Сумма: 800

16 Тур
9
Сони: 32
Сумма: 700

17 Тур
61
Сони: 60
Сумма: 600

18 Тур
84
Сони: 66
Сумма: 500

19 Тур
64
Сони: 133
Сумма: 400

20 Тур
35
Сони: 301
Сумма: 300

21 Тур
75
Сони: 490
Сумма: 300

22 Тур
30
Сони: 703
Сумма: 300

23 Тур
1
Сони: 1125
Сумма: 300

24 Тур
78
Сони: 1708
Сумма: 300

25 Тур
39
Сони: 2718
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 106
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
6, 15, 38, 55, 66, 73

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 3 апрелдаги 115- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 тур - ҳар бир ютуқка ВИДЕОМАГНИТОФОН
2 тур - ҳар бир ютуқка ТЕЛЕВИЗОР
3 тур - NEXIA автомобили
4 тур - NEXIA автомобили
5 тур - ҳар бир ютуқка МУСИКА МАРКАЗИ
6 тур - ҳар бир ютуқка ТЕЛЕВИЗОР
7 тур - ҳар бир ютуқка ВИДЕОМАГНИТОФОН
Ва қушина пул ютуқлари

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

«УЧҚЎРҒОНЁҒ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Серқуёш диёримизнинг барча фуқароларини баҳор ва гўзаллик байрами – НАВРЎЗ билан самимий муборакбод этади! Ҳар бир оилага тинчлик, хотиржамлик ва тўкин-сочинлик тилайди!

Наврўз туфайли олам яшармоқда. Боғ-роғларга файз кириб қолди. Шиғил-шиғил гулга кирган дарахтлар мўл ҳосилдан нишона. Азамат пахтакорларимиз эса бир неча ўн минглаб гектар ерларда плёнка остига барака уруғини қадаб қўйишди. Бу эса ўз навбатида бизни — чигитни қайта ишловчиларни қувонтиради, албатта. Зеро, айни пайтда бизнинг корхонага келадиган хомашёга замин яратилаяпти-да. Шу боис пахтакор деҳқонларимизга алоҳида табрикларимизни йўллаймиз.

НАВРЎЗ ШУКУҲИДАН БАҲРАМАНД БЎЛАЁТГАН ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИ МУСАФФО БЎЛСИН. ДОНО ХАЛҚИМИЗНИНГ АНЪАНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИГА БАРДАВОМЛИК ТИЛАЙМИЗ!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
«АВТОТЕХХИЗМАТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон халқини уйғониш, нафосат ва меҳрибонлик шодиёнаси – НАВРЎЗИ ОЛАМ билан табриклайди!

Ҳурриятимизнинг қутлуғ қадами билан Наврўз азиз диёримизни янада яшнатиш, обод этиш, ризқу рўзимизни тўкин этиш айёмига айланди. Ана шу тароватли айёмнинг илҳомбахш кучи бутун мамлакатимиз халқини улуғвор ишларга чорламоқда.

Ўзбекистонимиз автомобиль мамлакатига айланди. Йўлларимизда елдек учаётган ўз автомобилларимиз киши қалбини ғурурга тўлдиради.

«ЎзДЭУ» компаниясининг «Нексия — DOHC», «Нексия», «Дамас», «Матиз» ва «Тико» автомобиллари 10 фоизгача арзонлаштириб сотилаётганлиги юртдошларимизни қувонтиради, албатта.

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!
Сизларни байрам билан яна бир бор қутлар эканмиз, ажойиб автомобилларни сотиб олишга таклиф этамиз!
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 54-62-42, 54-57-42.
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, «АВТОТЕХХИЗМАТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

«ОСИЁ-ВЕСТ»
OSIYO WEST
«ОСИЁ — ВЕСТ»
Ўзбекистон – Германия – Исроил
қўшма корхонаси жамоаси
Навқирон ва ҳамиша гўзал, янгиланиш, яшариш байрами —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан Ўзбекистон халқини самимий табриклайди.
Ниятимиз – ҳар бир хонадонда илиқлик, аҳиллик бўлсин. Наврўз нафосати ҳар бир оилага, ҳар бир инсонга қувонч ва шодлик олиб келсин.
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

«ҒАЛЛАБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ
Ўзбекистон халқини, ҳамкорлар ва мижозларини меҳр-оқибат, эзгулик, саховат байрами —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан муборакбод этади.
Азиз юртдошлар, барчангизга сиҳат-саломатлик, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик меҳнатингизда муваффақиятлар тилаймиз.
ҒАЛЛАБАНК
ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!



Маҳалла – миллатлар дўстлиги маскани

Обод маҳалла йилида Наврўз ўзгача руҳда нишонланмоқда. У мамлакатимизда яшаётган барча миллатларнинг дўстлик ва биродарлик байрамига айланмоқда.

Пойтахтнинг Ҳамза тумани «Маърифат» маҳалласида Обод маҳалла йилига бағишланган «Тотув оилада яшаймиз» мавзуидаги анжуман Наврўз байрами тантаналари билан қўшилиб кетди. Тадбирни Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ва «Ўзбекистон — Қирғизистон» Дўстлик жамияти ҳамкорликда уюштирди. Тадбирда пойтахтнинг Ўш ва Манас кўчаларида яшовчи аҳоли ҳамда Ўзбекистондаги қирғиз миллий-маданий маркази вакиллари қатнашдилар.

«Маърифат» маҳалласининг оқсоқоли, филология фанлари доктори, профессор Нишонбой Ҳусанов маҳаллада 52 миллат вакиллари бир оила фарзандларидек, аҳил яшаётганликлари тўғрисида гапириб, маҳалла — миллатлар дўстлиги маскани эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Ўзбекистон — Қирғизистон» Дўстлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлигининг қадимий ришталарига тўхталиб, қирғиз гўзалига аталган шеърини ўқиб берди.

Тадбирда иштирок этган Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Нурлан Алимбеков «кўп миллатли Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрида Ўш, Манас, Ўзган кўчаларининг борлиги халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг қадимий эканлигидан далолат беради. Ўзбекистонда 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилингани катта аҳамиятга эга, чунки маҳалла ҳар қандай мамлакатнинг асоси, агар маҳалла обод бўлса, мамлакатда фаровонлик бўлади», – деб айтди.

Филология фанлари номзоди, доцент Зухриддин Исомиддинов «Манас» ва «Алпомиш» достонларидаги ўхшашлик, икки халқ адабиёти, маданияти ва санъати намояндаларининг бугунги кундаги алоқалари тўғрисида қизиқарли маълумотларни гапириб берган бўлса, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ансамблининг хонандаси Раъно Рўзиқулова ўзининг куй-қўшиқлари билан қатнашчиларни хушнуд этди.

Бир оила фарзандларидек яшаётган кўп миллатли маҳалла аҳлининг байрам тантаналари юртимиздаги турли миллатлар бир оила фарзандларидек яшаётганлигини тўла намоён этди.

Тўланбой ҚУРБОНОВ

Меҳр-оқибат тимсоли

Зарафшон воҳасига ҳам баҳор келди. Самарқанд вилоятининг барча туманларида Наврўз байрамини одамлар ўзгача шукуҳ билан кутиб олишмоқда.

— Наврўзни интиқ кутган туманимиз аҳли маҳалла-кўйларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини авжига чиқараётир, — дейди Пастдарғом тумани ҳокими Абдумўмин Жўраев. — Яратиш, янгиланиш иштиёқи ҳар бир киши қалбида баҳорий кайфият уйғотмоқда.

Байрамона безатилган туман маркази — Жума шаҳрида меҳр-мурувват «марафони» ўтказилди. Унда кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлар, меҳр ва мурувватга муҳтож болалар ардоқландилар. Бунга туманнинг Улуғбек номидаги пахта тозалаш, «Элеватор» сингари ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда бир қанча фермер хўжаликлари томонидан 4,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Байрамда, Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Юрт эртаси бўлган болакайлар даврада кураш тушдилар.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

ОАО «O'ZMETALLSABDO»

Извещает своих акционеров о проведении общего собрания акционеров, которое состоится 18 апреля 2003 года в 10.00 в актовом зале общества по адресу: г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. *Утверждение годового отчета Исполнительного органа ОАО «Узметаллсавдо» за 2002 год, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков.*

2. *Утверждение заключения Ревизионной комиссии о деятельности общества.*

3. *Утверждение заключения аудитора о достоверности финансовой отчетности общества за 2002 год.*

4. *О дивидендной политике общества.*

5. *О поручении Наблюдательному Совету ОАО «Узметаллсавдо» рассмотреть и утвердить Бизнес-план общества на 2003 год.*

6. *О продлении на 2003 год или прекращении договора найма с Исполнительным Органом общества.*

Регистрация акционеров будет проводится с 9.30 часов. Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании акционеров составлен по состоянию на 18 марта 2003 г.

Ознакомиться с материалами к общему собранию акционеров Вы можете в Наблюдательном Совете общества.

Справки по тел: 48-07-35

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО «O'ZMETALLSABDO»
Порядковый номер сообщения — 07
Наступление даты закрытия реестра:
18 марта 2003 года Наблюдательный Совет ОАО «O'ZMETALLSABDO» принял решение закрыть реестр акционеров по состоянию на 18 марта 2003 года.

Арзончилик — тўкинлик дегани

Боғотлик бир танишим зорланиброқ гапирди:

— Бозор юришмаяпти.

— Нега? — ажабландим.

— Нарх-наво ҳеч кўтарилмаяпти...

Нарх-наво кўтарилишидан одатда олиб-сотар манфаатдор.

Билсам, танишим бировнинг маслаҳати билан ўтган йил буғдой ўроғи мавсумида жамғарган пулига ўн тонна буғдой олиб, босиб қўйган экан.

— Мавсумда ҳар килосини юз ўн сўмдан олгандим. Бугун бозорда юз сўмга бормаяпти... Пулимга куядиган бўлдим, — деди у.

Унга «доно маслаҳат» берган таниши бурноғи йили ўроқ пайтида юз сўмдан буғдой олгану, ўтган йили баҳорда икки юз элликдан пуллаб, етти-саккиз ой ичида шу «операция»дан нақд икки миллион сўм ишлаб олган экан.

Бу йил дон-дун билан олди-сотди қиладиганлар синишди ҳисоби. Баҳор келди — янги буғдой ўроғига икки-уч ойча қолаяпти-ю, баҳо паст — арзончилик. Бугун вилоятнинг исталган бозорида бир килограмм буғдой нархи юз сўмдан ошмайди.

Гуручни олиб кўрайлик. Ўтган йили март-апрель ойларида бир килограмм гуруч 800 сўмдан, ҳатто минг сўмдан сотилган кунлари бўлди. Бугун эса гуручнинг энг яхшиси беш юз сўм.

Икки йил содир бўлган сув танқислиги Куйи Амударё минтақаси деҳқонини синовга солди. Айниқса, палов еб «тиши чиққан» кишилар шоли эколмай қийналишди. Гуруч нархи минтақада рекорд кўрсаткичга етганининг сабаби шу. Ўтган йили эса табиат деҳқонга кулиб боқди — сув мўл бўлди.

Ёз ўрталарида воҳа бозорларида бир килограмм гўшт икки минг сўмга қадар кўтарилган, бу ҳақда матбуотда бонг уришган эди. Хозирда бир килограмм гўшт 1800 сўм. Ҳатто бундан арзонроқ бўлган бозорлар ҳам бор.

Юқоридаги нарх-навонинг арзонлиги барча дон-дун маҳсулотлари, полиз ва сабзавотга ҳам дахлдор. Айтинг, қачон харидор баҳор бошланмасдан 30 сўмдан сабзи ёки 200 сўмдан олма харид қилган?

Юртимизда истиқлолнинг ўн иккинчи баҳори кезмоқда. Экиш мавсуми қизғин. Ерга умид билан уруғ қадаётган деҳқон, албатта, ният қилади: «Юртимиз тинч, бозорларимизда тўкинлик, арзончилик, бўлсин».

Илло, меҳнаткаш деҳқоннинг нияти ижобат бўлғуси. Бунга эндигина илк мучал ёшини нишонлаётган истиқлол кафолат.

...Бировларнинг «доно маслаҳати»га учган танишимга ўхшаган бандалар ниятидан худо асрасин!

Рўзимбой ҲАСАН

Қочоқлар учун лагер

Қизил Ярим ой жамияти ёрдами билан Иорданиянинг Ироқ чегарасида қочоқлар учун қурилган чодирли лагерга қочоқлар келиши бошланди, дея хабар беради Associated Press агентлиги. Улар Ирокда ишлаётган Судан фуқаролари бўлиб, 30 нафар бу оила эндиликда лагерда вақтинча яшаши ва сўнг Суданга ўтишлари мумкин.

Маълумотларга қараганда, ушбу лагер 5 минг қочоққа мўлжалланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Иорданиянинг шарқида ҳам қочоқлар учун яна бир лагер қурилмоқда. У 20 минг кишига мўлжалланган бўлиб, керак бўлса 50 минг қочоқни ҳам қабул қила олади.

Дарвоқе, Ирокдан яна 110 қочоқ Озарбайжонга келдилар. «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, БМТнинг қочоқлар масаласи бўйича Озарбайжондаги олий комиссариати уларни рўйхатга олди. Хозир уларга халқаро қочоқ ваколатини бериш масаласи кўрилмоқда.

Яна шуни қўшимча қиламизки, Британияда чоп этиладиган Financial Times газетаси ахборотига кўра, Ирокдан қочоқлар келишининг олдини олиш мақсадида 20 мартдан Сурия ўз чегараларини ёпган.

Қочиб кетишмоқда

Қувайт чегарасига жойлаштирилган Ироқ қўшинларининг юзлаб аскарлари ҳарбий қисмни ташлаб қочиб кетмоқда, дейилади Британиянинг Times газетасида. Улар орасида Саддам Ҳусайнга энг садоқатли бўлган Республика гвардиясининг аскарлари ҳам бор.

Пентагон вакилининг маълумотларига таяниб Sky News телекомпанияси тарқатган хабарларда айтилишича, яқин кунларда Ироқ армиясининг 11-пиёда ва 51-мотоўқчи ҳамда 61-бронетанк дивизияси таслим бўлмоқчи.

158 миллион доллар керак бўлади

Халқаро Қизил Хоч жамияти баёнотига кўра, уруш даврида Ироқнинг тинч аҳолисини доридармон, ичимлик сув ва зарур озиқ-овқат билан таъминлаш, эпидемия тарқалишининг олдини олиш ҳамда ярадорларга тиббий хизмат кўрсатиш учун 158 миллион доллар керак бўлар экан, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.



Торонтонинг осмонўпар бинолари

Заҳарловчи модда йўқ экан

Маълумки, Ироқ Қувайтда жойлашган АҚШ контингенти томон Scud русумидаги ракеталарни отган эди. Амирликнинг экология департаменти маълумотларига таяниб, Қувайт телевидениеси хабар беришича, ракета тушган жой тезда текшириб кўрилганда, ҳавога бирор-бир заҳарли модда тарқалмаганлиги қайд этилган.

Бош вазир тайинланди

Маълумки, Фаластинда бош вазирлик лавозими жорий қилиниши ҳақида хабар берган эдик. Куни кеча Маҳмуд Аббос расмий равишда мамлакат бош вазири этиб тайинланди. Бу ҳақда Фаластин раҳбари Ёсир Арафотнинг ёрдамчиси Reuters агентлигига маълум қилди.

Қуёшда кучли портлаш

Россия Фанлар академиясининг Ер магнетизми, ионосфера ва радиотўлқинлар тарқалиши бўйича илмий текшириш институти директори ўринбосари Валерий Фомичевнинг айтишича, сешанба куни кундузи Қуёшда жуда кучли иккинчи портлаш содир бўлган. Биринчи портлаш эса душанба кечаси рўй берган. Иккала портлаш ҳам бу йилги энг кучли портлаш бўлиб, халқаро даражада «Х» класси бўйича таснифланади.

Фомичевнинг сўзларига қараганда, бу икки кучли портлаш оқибатида катта қувватдаги радионурланиш ҳам содир бўлган. Бу Ер юзида электромагнит тўлқинлар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам пайшанба ва жума кунлари геомагнит кучидан одамлар безовта бўлиши қайд этилди. Ўзини нохуш ҳис этганлар асосан юрак-томир касалликлари билан оғриётганлар ва руҳий тушкун одамлардир.

Бу ҳақда «Новости» агентлиги хабар тарқатди.

Урушда қатнашмайди

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳридаги «Манас» аэропортида жойлашган АҚШ авиабазаси ҳарбийлари Ирокдаги урушда қатнашмайди.

Қирғизистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Жээнбек Кулубаевнинг айтишича, АҚШ ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида тузилган ўзаро битимга кўра антитеррор коалициясида қатнашаётган ҳарбийлар «Манас» аэропортига жойлашган. Улар Афғонистондаги террорчи кучларга қарши кураш олиб боришади.

«Новости»нинг таъкидлашича, икки давлат ўртасидаги ўзаро битимни Қирғизистон парламенти 2001 йил декабрда ратификация қилган.

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

- *Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида Ўзбекистон ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари ҳам фаол иштирок этдилар. Андижон шаҳридаги Бобур номли ип газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Асака туманидаги Қадим қишлоқ фуқаролар йиғини партия ташкилотлари, Фарғона, Янгийўл шаҳар, Бўз, Зомин, Наманган, Оққўрғон, Улуғнор, Учқўрғон, Хива, Қарши, Қўрғонтепа туман кенгашларидан бизга юборилган хабарлар бундан далолат бермоқда.*
- ***ХДП Жиззах вилоят кенгашида** «Ёш авлод Кенгаши» болалар парламенти аъзолари қабул қилинди. Унда вилоят партия кенгаши биринчи котиби М.Иномов ёшларга мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти, ХДП ташкилотлари фаолияти ҳақида сўзлаб берди.*
- ***Норин туман партия кенгаши** пленумида партия ташкилотларининг фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги иштироки, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қалин ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.*
- *Халқ депутатлари **Чортоқ туман** кенгашига ХДПдан сайланган И.Шарипов ўз сайловчилари билан учрашиб, депутатлик фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.*
- ***Оҳангарон шаҳар партия кенгаши** «Ўзбекистон Халқ демократик партияси истиқлол ёшларига», деб номланган стипендияни таъсис этди. Ушбу стипендияга биринчи бўлиб Оҳангарон маиший хизмат коллежининг 2 нафар аълочи ўқувчилари сазовор бўлдилар.*

Шунингдек, мазкур шаҳар партия кенгаши маҳаллалар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида тузилган «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосан, шаҳардаги 10 та маҳалла қўмитасининг «Ўзбекистон овози» газетасига 2003 йил учун обуна бўлишига ҳомийлик қилди.

- *«Обод маҳалла йили» тадбирлари доирасида **ХДПнинг Сирдарё вилоятидаги ташкилотлари** маҳаллаларда, ташкилот ва корхоналарда аҳолининг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган мулоқот, учрашув, «давра суҳбатлари»ни ўтказмоқдалар. Айниқса, Гулистон, Янгиер шаҳар, Сирдарё, Боёвут, Сайҳунобод, Гулистон туман партия ташкилотларида бу борада ибратли ишлар амалга оширилди.*
- ***ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши** қошидаги «Ёшлар клуби»нинг навбатдаги йиғилиши ёшларда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масалаларига бағишланди. Туман партия кенгаши биринчи котиби О.Охунов, партия фаоллари У.Бурхонов, С.Бадаловлар жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўзлаб бердилар.*
- ***Андижон шаҳар Мирпўстин маҳалла фуқаролар йиғини** ҳудудий партия ташкилоти мазкур маҳаллада яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Азимбой ота Раҳмоновнинг ҳаёти йўлига бағишланган қадр кечасини ташкил этди.*

● ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

КРЕДИТ — бу янги корхона, янги иш ўринлари

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»НИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА

Банк бошқармасининг мухташам биноси одамлар билан доим гавжум. Кимдир хусусий тадбиркорликни юритиш учун банкдан ўрта муддатли кредит олмоқчи. Кимдир фермер хўжалигини йўлга қўймоқчи. Яна кимдир ишлаб чиқаришдан кўрган фойдаси эвазига олган кредитини қайтариш пайида.

*— Мен **Сурхондарё агрохизмат масъулияти чекланган жамият қошидаги «Пивзавод» кичик корхонаси раҳбари Шоназаров**ман, — таништирди у ўзини. — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) томонидан ажратилган ресурс ҳисобидан Венгриядаги «Soripari Uallalkozas Kft» компанияси технологияси асосида пиво маҳсулотларини қадоқлайдиган ускуна олиб келиш бўйича 2001 йил 16 майда шартнома имзолагандик. Технология қиймати 99871 АҚШ доллари. Кредит муддати уч йил — йилига 12 фоизни ташкил этади. Шу йилнинг 1 январигача унинг қарийб ярмисини қайтариб бўлдик. Линия хозирча кунига 1000 литр пиво ишлаб чиқариш қувватига эга. Истеъмолчилар эҳтиёжига қараб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини янаям ошириб бориш мумкин. Хозиргача 14 та янги иш ўринлари яратилди. Қувват ошиб борган сари иш ўринлари ҳам кўпайиб бораверади.*

— Ўтган йилги натижалар қандай бўлди? Маҳсулот сифати, нархи?

— Натижалар чакки эмас. Сифат ошди, нархи истеъмолчиларга маъқул. Маҳсулот турлари кўпаймоқда. Айни пайтда «Термиз-1», «Термиз-2» ва «Термиз-3» номли уч турдаги пиво ишлаб чиқаряпмиз. Булар 0,5 литрли идишларга қадоқланиб, савдога чиқарилмоқда. Нархи ҳам арзон.

«Пахта банк» Денов туман бўлимида фаолият кўрсатаётган «Хайробод маъданли суви» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Т. ТУРДИЕВ:

— Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) томонидан ажратилган ресурс ҳисобидан Польша давлатининг С.А.EXIM компаниясидан минерал сув ҳамда ҳар хил турдаги салқин ичимлик сувлари ишлаб чиқарадиган ва уларни ПЭТ идишларига қадоқлайдиган 83500 АҚШ доллари миқдоридаги технология олиб келиш мақсадида 2002 йил 30 январда шартнома имзолагандик. Кредит муддати 3 йил, йиллик 12 фоиз, 2002 йил 27 июнда аккредитив ҳисоб рақами очиб молиялаштирдик. Кўп ўтмай технология ишга тушди. Бир кунда 4800 литр миқдорда маъданли (минерал) сув ҳамда «Kivi», «Coca Cola», «Orange» каби салқин ичимлик сувлари ишлаб чиқариш қувватига эга бу линия билан хозир аҳоли эҳтиёжига қараб бир литрлик ПЭТ идишларда апельсин, шафтоли каби ичимликлар ишлаб чиқараяпмиз. Айни пайтда бу билан 20 та янги иш ўрни ҳам яратишга эришдик.

БИЗНИНГ ИЗОҲ: Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат «Пахта банк» бошқаруви томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Германия Тикланиш ва тараққиёт банки (KFW), «Эксимбанк» ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлар билан кредит линияси очилиб, кредит битимлари имзоланган. Жумладан, вилоят акциядорлик-тижорат «Пахта банк» томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш мақсадида уларга нафақат миллий, балки халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан ҳам хорижий валютада кредит маблағлари ажратилмоқда.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) кредит линиясининг маблағи ҳисобидан жами қиймати 183371 АҚШ доллари миқдоридаги 2 та хўжалик юритувчи субъект молиялаштирилган бўлиб, 2003 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра уларда кредит қолдиқ 123449 АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, Сариосиё АТ «Пахта банк» бўлимида фаолият кўрсатаётган «Дашнобод» ширкат хўжалиги Италиянинг «Italian Food Technology» компанияси билан ҳамкорликда «Дашнобод IFT» қўшма корхонасини тузиш учун «TMCI TECNINDUSTRIA SRL» компаниясидан анор, узум, олма ва бошқа мевалардан шарбат концентрати ишлаб чиқарувчи технологик ускунани сотиб олиш учун 2 399 759 евро миқдоридаги технологияни олиб келишни режалаштирган. Кредит режаси республика АТ «Пахта банк» кредит қўмитасидан ҳамда Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) томонидан тасдиқланган.

Мазкур хўжаликка Термиз шаҳар банк жараёнлари бўлимида валюта ҳисоб рақами очилди. «Пахта банк» томонидан молиялаштириш учун тақдим этилган кредит шартлари ширкат томонидан муваффақиятли бажарилмоқда.

Банкнинг Ангор туман бўлимида фаолият кўрсатаётган «Сурхон-Экспорт» масъулияти чекланган жамияти ҳам Туркиянинг «ANA GROUP DIS TICARET LIMITED SIRKETI» компаниясидан пахта чигити ва кунгабоқар хомашёларини қайта ишлаб, ёғ маҳсулотлари тайёрлайдиган 610,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги технология харид қилишни мўлжаллаган. Фирманинг кредит ҳужжатлари туман ҳамда вилоят кредит қўмитасида тасдиқланиб, республика АТ «Пахта банк» бошқарувининг кредит қўмитасига тақдим этилди.

БИЗНИНГ ИЗОҲ: Акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Сурхондарё бошқармаси вилоятнинг 15 та туманида ўз бўлимларига эга. Туманларда 11 та мини-банк мавжуд. 2003 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мулкчиликнинг турли шаклларидаги 5545 та юридик шахсга, жумладан 1891 та кичик ва ўрта бизнес субъектига ўзаро тузилган шартнома асосида комплекс кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа банк хизматлари кўрсатилди. Банк кредит портфелининг ҳажми 3942,5 миллион сўм баҳоланмоқда. Бу — 2002 йил 1 январь ҳолатига нисбатан у 803,2 миллион сўмга ёки 20,4 фоизга ортди, деганидир.

Кредитлар қайтишида таваккалчиликни камайтириш учун кредит олишга берилган буюртмалар банк томонидан ҳар томонлама ўрганилмоқда. Қарз олувчиларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш, кредит лойиҳаларини баҳолаш ишлари изчил йўлга қўйилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлиги ва кредитлардан мақсадли фойдаланиш ҳамда уларнинг қайтишини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган назорат натижаларига алоҳида эътибор берилди. Аниқроғи, мониторинг ўрнатилди ва кредит қўйилмалари асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзпахтасаноат», «Ўзагромашсервис», «Ўзкимётаъминот», «Ўзгўштсутсаноат», «Савдо», «Ўрта ва кичик бизнес», «Автотранспорт» тармоқларига йўналтирилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш учун бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. «Бизнес фонд» ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги «Бандлик» жамғармаси, деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали кредит линиялари очилиши бу ишларга асос бўлди. Пировардида, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, кредитлаш бўйича берилган кредитларнинг умумий қолдиғи 2003 йил 10 январгача 1374,0 миллион сўмни ташкил этиб, умумий ҳисобда 5709 та янги иш ўринлари яратилган.

Буларгина эмас, АТ «Пахта банк» ва «Бизнес фонд» ўртасида тузилган қўшимча келишувга асосан юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш мақсадида вилоят «Бизнес фонд» бошқармаси томонидан шу йил бошига қадар жами 33 та субъектга кредит ресурслари ажратилди. «Пахта банк» ва «Бандлик» жамғармаси ўртасида тузилган қўшимча келишувга асосан юридик шахс мақомига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг бошланғич сармоясини шакллантириш мақсадида ҳам вилоят «Бандлик» жамғармаси томонидан 10,2 миллион сўм миқдорида (жами 15 та субъектга) кредит ресурслари белгиланди. Натижада, банк ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган микрокредитлар 1155,9 миллион сўмни ташкил этди. Бунинг 226,0 миллион сўми нақд пулдир.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга ва муддатли депозитларга жалб этиш борасида «Қариялар қадр-қиммати», «Шарқ юлдузи», «Фаровонлик», «Болалар келажагимиз», «Оқ олтин», «Муқаддас замин», «Она замин», «Ҳосил», «Навниҳол» каби муддатли омонат турлари ижобий натижалар бермоқда.

Бошқарма олиб борган ибратли яна бир иш — «Обод маҳалла йили»да Термиз шаҳар Пахтакесар маҳалласида жойлашган 7-умумтаълим ўрта мактаби оталиққа олинди. Бу ерда ихтисослаштирилган банк синфлари ташкил қилинди. Таълим ишларига банк мутахассислари жалб этилди. Бу йил банк мактаб синфхоналарини таъмирлаш, уларни зарур ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлашни ҳам режалаштирган.

Банк кредитлари кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида асосий омил бўлмоқда. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши — бу янги-янги корхоналар, янги-янги иш ўринлари, ички бозорларимизни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириш демакдир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

● МАҲСУЛОТ ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Корхона қуввати ошмоқда



Яккабоғ туманидаги «Ғ Зиё-Нур» ишлаб чиқариш корхонаси бугунги кунда бир кечакундузда олти тоннагача сифатли макарон ва печенье тайёрлашга эришмоқда. Маҳсулотлар вилоят туманлари ва Тошкент шаҳрига пешма-пеш жўнатилиб турибди. Биргина ўтган йили бу ерда 472 тонна печенье, 753 тонна макарон маҳсулотлари эл-юрт дастурхонига тортиқ қилинди.

— Эришилган ютуқларда хориждан келтирилган замонавий технологик линияларнинг ишга туширилиши катта роль ўйнади, — дейди корхона раҳбари Зиёдхон Ғуломов. — Республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кўмаги билан Европа Тикланиш ва тараққиёт банкидан 48 ой муддатга 843 минг 637 АҚШ доллари миқдорида кредит олдик ва Германиянинг «Лихоцки», «Хольсберг» фирмаларидан макарон ишлаб чиқарувчи технология ҳамда печенье тайёрлаш ускуналарини келтирдик...

Яқин кунларда бу ерда Россия технологиясига асосланган ва бир кечакундузда бир тоннагача қандолат маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга цех ускуналари, маъданли сув ҳамда сутни қайта ишлаб чиқарувчи чет эл технологияси келтирилиши ҳам режалаштириб қўйилди. Бу ишлар амалга оширилгач туманда яна ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.

Абдуғани СОДИҚОВ

Суратларда: *корхонанинг илғор ишчилари (чапдан): Гулчеҳрахон Холбобоева; Илҳом Дубиев, Анвар Исмоилов иш устида; пастдаги суратда — корхона раҳбари Зиёдхон Ғуломов (ўртада) шогирдлари — Гулзода Хожимуродова, Гулчеҳра Холбоевалар билан.*

Абдурасул ПАРДА олган суратлар

ШЕЪР ВА ШУУР

Баҳорни яхши кўраман

Гул дийдори

Қишнинг қировлари қошимдан кетди,
Ел ўпган майсадек қалқиб тураман.
Соғинч шаробидан менга жом тутди,
Баҳорни бунчалар яхши кўраман?!

Кўзимдан юмалаб юзимга тушар,
Бағримдан узилиб изимга тушар,
Баҳор ёмғирлари ерга бахт тўшар,
Баҳорни бунчалар яхши кўраман?!

Олисдан боқмайди энди офтоб ҳам,
Япроқлар юзига сеп ёяр шабнам.
Кўк чучвара тугар айвонда онам,
Баҳорни бунчалар яхши кўраман?!

Ирмоқлар созанда, еллар хонанда,
Рақосса капалак — синглим чаманда.
Ҳеч ўлгинг келмайди бундай Ватанда,
Баҳорни бунчалар яхши кўраман?!

Ҳар гулнинг дийдори дурлардан азиз,
Қайтган қалдирғочлар ҳурлардан азиз.
Лолалар ловуллар нозлари лазиз,
Баҳорни бунчалар яхши кўраман?!

Лаб очган ғунчалар висолга чорлар,
Булбулнинг бўғзида сим узар торлар,
Маҳмуд, шукр қилар Худога ёрлар,
Баҳорни бунчалар яхши кўраман?!

Саломатлик хуш давлатинг

Саломатлик жисмингдаги хуш савлатинг,
Дунёларга топилмайди бу давлатинг.
Бемор бўлиб болишларга бошинг ботса,
Бўй кўрсатар жон аталмиш омонатинг.

Омонатинг Аллоҳники олар бир кун,
Толиққанда жон жисмингдан тонар бир кун.
Дарди борлар дунё эмас, дармон излар,
Дунёларинг бу дунёда қолар бир кун.

Тўрт мучанг соғ, қирга сиғмас тулпордайсан,
Куз чиройи кулиб турган анордайсан.
Жон дегани узилмаган лола экан,
Узилмасанг, сояси хуш чинордайсан.

Бошинг омон, бошдан меҳр элаб яша,
Ўзгага ҳам саломатлик тилаб яша.
Умр қисқа, ўтар йўллар узун экан,
Яхшиликка яхшиликлар улаб яша.

Саломатлик жисмингдаги хуш савлатинг,
Дунёларга топилмайди бу давлатинг.
Маҳмуд, юзман юзлашсанг ҳам кетгинг келмас,
Омонлигинг Аллоҳ берган саодатинг.

Дўстимга савол

Бойлик бахтнинг бошимикан, айт,
Бойлик кўзнинг ёшимикан, айт,
Бойлик тақдир тошимикан, айт,
Билсам сендан сўрамас эдим.

Кулиб чиқиб йиғлаб ботар кун,
Тунда қайда ухлаб ётар кун,
Олов бўлмас нега ҳар учқун,
Билсам сендан сўрамас эдим.
Тилим бунча узунсан, айтгин,
Дилим бунча маҳзунсан, айтгин,
Онам дейди: ёшимга етгин,
Билсам сендан сўрамас эдим.

Ўзингда йўқ оламда йўқми,
Лек ўзингдан айт кўнглинг тўқми,
Юрак қайдан оларкин чўғни,
Билсам сендан сўрамас эдим.

Сувдек сероб бўлмоқ не ўзи,
Бахтдан бетоб бўлмоқ не ўзи,
Қандай шароб шоирнинг сўзи,
Маҳмуд, билсам сўрамас эдим.

Кўп экан

Кувонч қанот ёзса, осмон чорлайди,
Қайғу бўй кўрсатса, замин зорлайди,
Хиёнат ўзидан қачон орлайди,
Билганимдан билмаганим кўп экан.

Шунчалар узоқми уйқусиз тунлар,
Ўзига етказмай чопади кунлар,
Менга бўй кўрсатинг бағри бутунлар,
Кўрганимдан кўрмаганим кўп экан.

Ер ости узоқми, ё осмон йўли,
Қай бирига етар бандасин қўли,
Сен қайдан ёғасан туҳматнинг дўли,
Билганимдан билмаганим кўп экан.

Чаённи чиройли демади ҳеч ким,
Сарқитни хуш кўриб емади ҳеч ким,
Гул кўрса кўзини юммади ҳеч ким,
Кўрганимдан кўрмаганим кўп экан.

Шеър ичра топишмоқ қидирганим йўқ,
Кўнглимнинг тубини сидирганим йўқ,
Балки билганимни билдирганим йўқ,
Билганимдан билмаганим кўп экан.

Маҳмуд ТОИРОВ

ҲУРМАТЛИ ВА АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



Сизларни умумхалқ байрами — Наврўзи Олам билан муборакбод этамиз. Ҳаммаларингизга мустаҳкам соғлиқ, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлидаги эзгу ишларингизда зафарлар тилаймиз.

Ҳар бир оилада, меҳнат жамоаларида осойишталик, ўзаро тотувлик, хуш кайфият ҳамиша ҳамроҳ ва барқарор бўлсин.

Халқаро Шараф Рашидов хайрия фонди Марказий Кенгашининг ҳайъати

ҚАТРА

Уйғониш палласи

Баҳор бўлиб келган Наврўз аёзларни, музларни, сукунатни уйғотди.

Ям-яшил либосга ўранмоқни туш кўриб ётган дов-дарахтни уйғотди.

Жаннатнинг эшиклари очилиб, сочилиб нур дилларда, кўнгилларда ҳаловат уйғотди.

Майин-майин эсган насимлар боғлардан-боғларга, гулзору чаманларга улашиб ифор, юртдошларим қалбида муҳаббат уйғотди.

Ҳа, Наврўз уйғониш, яшариш, яшилланиш, яратиш фасли.

Наврўз — бу йилнинг янгиланиши.

Наврўз — бу бизнинг ҳақиқий миллий байрамимиз.

Куну тун тенглашадиган бу тонгнинг шукуҳи ўзгача. Бу кунда бир-биридан ранжиган кўнгиллар гиналарини унутишади.

Наврўз! Қор этагидан қиқирлаб чиққан бойчечакни кўзларига суртиб, яратганга шукроналар айтган момоларимсан.

Наврўз! Эрк деб, Ватан деб кафтларида бир сиқим тупроқ бўлиб олисларда Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Мажидий бўлиб қолган боболаримсан.

Наврўз! Дошқозонлардаги ҳалиму, хушсумалакларнинг димоғларни қитиқловчи ажиб ҳиди сен эмасми?!

Наврўз! Қийғос қошларига ўсмалар, қўлларига қипқизил хинолар қўйган, бири-биридан сўлим рашкчи келинчаклар сен эмасми?!



Наврўз! Беҳи, зардоли, шафтолилар оппоқ либосларга ўраниб, хаёллар, вужудлар турфа гулларга йўғрилгакланиб, қалблар кимнидир соғинган дамлар сен эмасми?!

Наврўз! Сен яратувчисан, кошки эди қўнғироқ гуллар, чучмомалар, лолақизғалдоқлардан поёндоз қилсам, муборак бошларига беҳи, зардоли, шафтоли гулларидан сочқалоқ қилсам.

Осмонга арғимчоқ солиб Ўзбекистонни соғиниб қайтаётган турналар, эслайсизми болалигимда самони тўлдириб бизнинг ҳовлимиз устидан учиб ўтаётганингизда томга югуриб чиқардим. «Ғалвир-ғалвир» дегин, доира шаклига киради, дердилар раҳматли онам. Мен ҳам осмонга қараб «ғалвир-ғалвир» деб ҳайқирардим.

Наврўз! Мана энди невараларим, турналар келибди, турналар, деб қийқиришади оламни тўлдириб.

Уларнинг бийрон тиллари:

Наврўз баҳор фаслидир,
Фаслларнинг аслидир,

деб ҳайратланганда, мен қандай завқланмай. Ахир унинг мурғаккина юракчасида шу кунга, шу заминга, шу она-Ватанга интиқлиги сезилиб турибди-ку. Бу интиқлик, бу қувонч ҳаммаси тинчликдан.

Наврўз! Илоҳим сен олиб келган шу мунаввар тонг ҳамиша беғубор бўлсин.

Не-не улуғ аждодларимиз руҳи кезиб юрган шу табаррук заминда Наврўзнинг беғубор, мунаввар тонглари отаверсин.

Эркатош ШУКУРОВА

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Ilhom KAROMOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDYLLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 247
16178 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳикматли сўзлар маъноси

Булбул чаманни севар, одам — Ватанни

Вар.: «Булбул чаманим дер, Одам Ватаним дер»; «Ким онасин эммаган, Ким Ватанин севмаган?!». Бу мақолларда ўзбек халқининг она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббати, ҳурмати, садоқати ўз ифодасини топган. Уларда ҳар ким ўз элида эркин нафас олиши, иззат-ҳурматда яшаши ифодаланиб, Ватанни севиш, унга ҳамиша содиқ бўлиш зарурлиги уқтирилади.

Буғдой экканг кузда эк, яхши ҳайдаб, бўзга эк

Бу билан: «Кузда бўз ерга экилган буғдойдан баракали хирмон кўтариш мумкин», деб тавсия қилганлар. «Бўлса – оби, бўлмаса – лалми» деган мақол ҳам бевосита деҳқонларга тааллуқли (оби – суғориладиган, лалми – суғорилмайдиган, фақат қор, ёмғир суви билангина экин битадиган баҳорикор ер). Мақолда: «Суғориладиган еринг бўлса, экинни шунга экканинг яхши, агар бўлмаса, лалмикор ерга ҳам экавер. Умуман, бор имкониятингдан фойдаланиб қол», дейилмоқчи.

Буғдой ҳосили бошида, сабзи ҳосили тагида

Бу мақолнинг келиб чиқиши халқнинг қуйидаги насрий масалига боғлиқ: бир деҳқон айиқ билан шерикликка деҳқончилик қилмоқчи бўлибди-да, унга айтибди: «Айиқполвон, аввал бошида шартлашиб олганимиз яхши. Сен экинни боши билан бўласанми, таги биланми?», «Албатта боши билан бўламанда», дебди айиқ. Деҳқон «хўп» деб, сабзи экибди-да, ҳосил пишгач, бошини, яъни баргини айиққа бериб, тагини, яъни сабзисини ўзи олибди. Бу ҳол айиққа роса алам қилибди. Келаси йили экин экишдан олдин деҳқон ундан яна сўрабди: «Айиқполвон, сен экиннинг боши билан бўласанми, таги биланми?». «Бултур панд едим, энди тагини оламан», дебди айиқ. Деҳқон «хўп» деб, ерга буғдой экибди-да, ҳосил пишгач, донини ўзи олиб, сомонини айиққа берибди... Бу мақолни ўта содда, ишнинг кўзини билмайдиган, ҳаммадан алданиб юрадиган одамга: «Хой, кўзингни оч, айиқдек ишлаб-ишлаб, охири алданиб қолма тагин. Билиб қўй, буғдойнинг ҳосили бошида, сабзининг ҳосили тагида бўлади», деган маънода айтилади.

Айём арафасида

«Наврўз» нашриёти қулай ва ихчам шаклда «Наврўз байрами» китобчасини чоп этди. Унда қадимий байрамимиз ҳақидаги турли хил ҳикматлар, табиат ва деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар, маросимлар ўрин олган. Китобнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, Наврўз байрамининг асл моҳияти «Қадр топган қадрият», «Наврўз наволари», «Байрам безаклари» сингари битикларда очиб берилган.

Кенг оммага мўлжалланган ушбу китобчада Наврўз ҳақида қизиқарли маълумотлар тўпланган.

Юнус ЗИЁДОВ



Баҳорга, Наврўзга тайёргарлик энг аввало, хонадонлардан бошланади. Уйлар саранжом-саришта қилинади, ҳовлилар, кўчалар супуриб-сидирилади. Бу — қадимий удум. Халқимиз Наврўзни озодалик билан, покиза дил билан кутиб олади.

Кўнгли тоза одамлар бор жойда тозалик, озодалик бўлади. Тозалик, озодалик бор жойда эса файз бўлади, барака бўлади...

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Меҳр кўзда

Ўртачирчиқ туманидаги «Янгилик» қишлоғида яшовчи Оқил Мирзакаримовнинг «Тешавой ота» фермер хўжалигини ташкил этганига кўп бўлгани йўқ. Куни кеча у хўжалик аъзолари ва ўз қишлоқдошларини жамлаб Наврўз дастурхони ёзди. Дошқозонларда сумалак, ҳалим, тандирларда кўк сомса сингари тансиқ таомлар пиширилди, ош тортилди. Шўх яллалар, дилбар тароналар даврага файз киритди.

— Наврўз одамларни бир-бирига яқинлаштиради, — дейди меҳнат фахрийси Тожи ая Турсунова. — Тўғриси, анчадан буён бундай жамулжамликни кўрмагандим. Меҳр кўзда деганлари ростки, хўжалигимизнинг 60 гектарлик майдони нақ тўй-тамоша сахнига айлангандек бўлди...

Кексалар қўлларини дуога очган чоғи 90 ёшли меҳнат ва уруш фахрийси Амур ота Кусаев барчанинг дил сўзларини ифодалаб деди: Юртимиз тинч, Наврўз боқий бўлсин!

Умиджон САТТОРОВ

Қўй йили

ЁКИ ҲАМАЛ, НАВРЎЗ, БАҲОРГИ ТЕНГ КУНЛИК

Одамлар қадимдан осмон жисмлари билан иш кўрувчи икки илмни эътироф этганлар. Хусусан, осмон жисмларининг ҳайъати, яъни астрономия, иккинчиси – илм-нужум – астрология бўлиб, осмон жисмлари ҳаракатининг ердаги ҳаётга, кишилар тақдирига таъсири ўрганилган. Буржлар ва шамсий йил ойлари эса ўзига хос атамаларга эга. Қизиғи шундаки, эртадан бошлаб, Ҳамал киради. Айни пайтда, бу 21 март – 20 апрель кунларига тўғри келиб, Қўй буржи деб аталади. Ҳамал – Наврўз байрами нишонланадиган баҳорги тенг кунликдан иборат бўлса, Саратоннинг боши энг узун кун ҳисобланади. Мезоннинг боши эса кузги тенг кунлик бўлиб, Жадйи боши энг қисқа кунга тўғри келади. Шарқона қадриятларга кўра, эртадан Қўй йили бошланади. Бу мучалда туғилганлар қандай сифатларга эга бўлишади? Аввало, бу мучалдагилар тўғри сўзлиги ва айни пайтда қизиққонлиги билан ажралиб турадилар. Ўз фикрларидан қолмай, ҳеч қачон бошқалар ноқулай аҳволга тушиб қолишлари мумкинлигини ўйламайдилар. Қўй йилида туғилган эркакларнинг ҳам ўзига хос хосиятлари мавжуд. Улар сабрсиз, қўрқмас, ишонувчан одамлардир. Хаёлот дунёсига бой, руҳан тетик бўладилар. Уларнинг хотиржам қиёфаси исёнкор юрагини бекитувчи ниқоб вазифасини ўтайди. Бу мучалда туғилганлар орасида ишбилармонлар кўплаб учрайди. «Қўй»лар айёрликни хуш кўришмайди. Доимо биринчилар қаторида бўлишни ихтиёр этадилар. Шу мучалга хос аёллар эса, эркаклардан марҳамат кутишни хуш кўришмас экан. Бундай аёллар доимо ўз севимли касбларига эга бўлишлари билан фарқланадилар. Севги бобида эса хаёлпарастроқ бўлишади. Яъни, эртаклардаги баҳодирларини кутиб яшайдилар. Лекин бундайларнинг рашки жуда кучли. Бека сифатида уйини доимо саришта тутади.

Шунингдек, Қўй йили мучалидаги одамларнинг қаддиқоматлари келишганлиги, истараси иссиқлиги, табиат шайдоси бўлишлари эътиборли. Уларнинг хулқ-атворлари ёқимли, сўзамол, оқил, айни пайтда бироз инжиқ, ҳардам хаёл ҳам бўлишади. Умуман, бундай мучалдагилар раҳмдил, муҳтожларга борини эҳсон қилишга тайёр кишилардир. Уларда дид ва истеъдод бор. Бир сўз билан айтганда, Қўй йилининг бекаму кўст, баракали ва фаровон кунларни кўпроқ иньом этишига умид қиламиз, деган башоратлар бор. Бу мучал остида таниқли буюк кишилар таваллуд топган. Чунончи, Амир Темур, Улуғбек, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний ҳамда дунёнинг машҳур кишиларидан Леонардо до Винчи, Рафаэль, Ван Гог, Декарт, Золя, И.С.Бах, Чарли Чаплин ва бошқалар.

Мирзо Анвар